

Ўзбекистон Президенти Кўрфаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгашига аъзо мамлакатлар билан кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш бўйича қатор таклифларни илгари сурди



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 19 июль куни Марказий Осиё мамлакатлари ва Кўрфаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши етакчиларининг биринчи саммитида иштирок этди.

Саудия Арабистони Валиаҳди, Вазирлар Маҳкамаси Раиси Шайх Муҳаммад бин Салмон Ол Сауд раислигида ўтган тадбирда Қозоғистон Республикаси Президенти Қасим-Жомарт Тоқаев, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон, Туркманистон Президенти Сердар Бердимуҳамедов, Қатар Давлати Амири Шайх Тамим бин Ҳамад Ол Соний, Бирлашган Араб Амирликлари Бош вазири Шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум, Кувайт Давлати Амири ўринbosари, Валиаҳди шайх Мишъал ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ, Ўмон Султонлиги Бош вазири ўринbosари Асад бин Ториқ ал-Саид, Баҳрайн Подшоҳининг махсус вакили Шайх Носир бин Ҳамад Ал Халифа ҳамда Кенгаш бош котиби Жасим Муҳаммад ал-Будайвий ҳам қатнашди.

Кун тартибига мувофиқ, конструктив сиёсий мулоқотни фаоллаштириш, савдо-иктисодий ва инвестициявий ҳамкорликни кенгайтириш, маданий-гуманитар алоқаларни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди. Минтақавий ва халқаро сиёсатнинг долзарб жиҳатлари юзасидан фикр алмашилди.

Президентимиз ўз нутқида Марказий Осиё ва Кўрфаз минтақаси халқлари ўртасидаги муносабатлар тарихи узоқ эканини, яқин савдо алоқалари, муштарак қадрият ва анъаналар, муқаддас ислом динимиз уларнинг асосини ташкил этишини алоҳида таъкидлади.

Мовароуннаҳр ва Арабистон диёrlари ўртасидаги тарихий алоқаларни ривожлантиришда буюк мутафаккир ва аллома боболаримизнинг бекиёс хизматлари борлиги қайд этилди. “Барча муҳаддисларнинг пешвоси” – улуғ аллома Имом Бухорий ана шундай сиймолардан биридир.

- Мусулмон дунёсидаги олтита буюк муҳаддиснинг икки нафари минтақамизда туғилиб камол топгани, қадимий Бухоро эса “Қуббатул Ислом” номи билан шуҳрат қозонганидан ғуурланамиз. Маълумки, тўққизинчи аср бошида Аббосийлар давлатининг пойтахтидаги “Донишмандлар уйи” академиясида Марказий Осиёлик 200 дан ортиқ алломалар илмий фаолият олиб борганлар. Мусо Ал-Хоразмий, Абу Райхон Беруний, Аҳмад Фарғоний, Ибн Сино каби улуғ алломаларимиз эса бебаҳо илмий асарларини айнан гўзал ва мукаммал араб тилида яратиб, бутун дунёда шон-шуҳрат қозонганлар, – деди Ўзбекистон раҳбари.

Ҳозирги вазиятга баҳо берар экан, мамлакатимиз етакчиси бугунги хавф-хатарларга қарамай, иккала минтақа ҳам тинчлик, барқарорлик ва тараққиёт макони бўлиб келаётганини таъкидлади. Айни пайтда Марказий Осиё ва Кўрфаз давлатлари бир-бирларига ишончли ва узоқ муддатли ҳамкор сифатида қарамоқда.

Кейинги йилларда Ўзбекистоннинг Кўрфаз мамлакатлари билан алоқалари янги босқичга кўтарилгани мамнуният билан қайд этилди.

Ушбу ижобий тажрибадан келиб чиқиб, минтақаларимиз ўртасидаги амалий ҳамкорликни бир қатор йўналишларда кенгайтириш таклиф этилди.

Сиёсий соҳада. Ўзбекистон раҳбари кенг қамровли ҳамкорликни турли форматларда ривожлантириш муҳимлигини кўрсатиб ўтди.

Биродар давлатларимиз ва халқларимизни янада яқинлаштириш мақсадида келгусида кўп томонлама Дўстлик, минтақалараро боғлиқлик ва ҳамкорлик Битимини ишлаб чиқиш масаласини ўрганиш таклиф этилди.

Иккинчи йўналиш – юқори технологиялар ва инвестициялар соҳасидаги ҳамкорлик. Давлатимиз раҳбари инновациялар, “сунъий” интеллект, “яшил” иқтисодиёт, рақамлаштириш, “ақлли қишлоқ хўжалиги”, нано- ва биотехнологиялар соҳаларидағи ҳамкорлик платформалари ва ишчи механизмларини яратиш зарурлигини қайд этди. Бизнес вакиллари иштирокида Қўшма инвесторлар кенгашини таъсис этиш ва унинг дастлабки йиғилишини Самарқандда ўтказиш ташаббуси илгари сурилди.

- Минтақамизда Кўрфаздаги ҳамкорлар томонидан ташкил этилган инвестиция фондларининг салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва етакчи банклар фаолиятини кенгайтиришдан манфаатдормиз. Шунингдек, “яшил” энергетика лойиҳаларини биргаликда амалга ошириш мақсадида алоҳида “йўл харитаси”ни қабул қилиш муҳим, деб ҳисоблайман, – деди Ўзбекистон Президенти.

Учинчи йўналиш савдо ва транспорт боғлиқлигини кучайтиришдан иборат. Давлатимиз раҳбари Кўрфаз давлатлари билан эркин савдо режимини жорий этиш, техник регламентларни ўйғуллаштириш ва электрон тижоратни ривожлантириш долзарб аҳамиятга эга эканини таъкидлади. Шу муносабат билан кўп томонлама Савдо битимини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш таклиф этилди.

Транспорт ва транзит соҳасида Ўрта транспорт коридорида энг мақбул тарифларни қўллаш, Афғонистон орқали мавжуд мультимодал йўлаклардан кенг фойдаланиш, тўғридан-тўғри авиақатновларни мақсадли субсидиялаш ёрдамида кўпайтириш таклифи билдирилди.

Давлатимиз раҳбари ҳамкорларни Кўрфаз давлатларини энг яқин ва қулай йўл орқали минтақамиз билан боғлайдиган Транс-Афғон темир йўлини қуриш стратегик лойиҳасида фаол иштирок этишга

чақириди.

Навбатдаги мұхым йұналиш – экология ва иқлим үзгариши масалалари. Юртимизда очилаётган Марказий Осиё атроф-мұхит ва иқлим үзгаришини үрганиш университети негизида биргаликда халқаро тадқиқотлар дастурини ишлаб чиқиш мұхымлиги таъкидланды.

Иштирокчиларнинг эътибори бешинчи йұналиш – туризм соҳасига қаратилди. “Кўрфаз – Марказий Осиё” ягона визасиз сайёхлик маконини ва туристлар учун мўлжалланган замонавий кластерларни яратиш, қўшма туристик маҳсулотларни кўпайтириш ҳамда 2024 йилда Ислом дунёси туризм пойтахти, деб эълон қилинган Хива шаҳрида минтақаларимиз етакчи сайёхлик операторлари форумини ўтказиш таклиф қилинди.

Ислом ҳамкорлик ташкилоти доирасида дунёда кузатилаётган исломофобия ҳолатларига қарши биргаликда курашиб масаласига алоҳида тўхталинди.

Бундан ташқари, терроризм, экстремизм ва радикализмга қарши кураш соҳасида, шунингдек, бундай таҳдидларнинг интернет ва воситалар орқали тарқалишидан ёшларни ҳимоя қилиш борасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш мұхымлиги таъкидланды.

Ўзбекистон Президенти Афғонистонда тинчликка эришиш масалаларига тўхталиб ўтди.

- Бизнинг минтақаларимиз ташаббускор бўлиб, катта-катта минбарлардан Афғонистон муаммоларига бутун дунё эътиборини жалб этишимиз, афғон халқининг ҳаётини енгил қилишга муносиб ҳисса қўшишимиз керак, – деди давлатимиз раҳбари.

Сўзининг якунида Президентимиз бугунги тарихий саммит натижалари албатта Кўрфаз ва Марказий Осиё минтақалари ўртасидаги кўп қиррали алоқаларни мутлақо янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилишига ишонч билдириди.

Йиғилиш якунида Кўшма баёнот қабул қилинди.

Саммит иштирокчилари Ўзбекистон Республикасининг “Марказий Осиё – Кўрфаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгashi” форматидаги навбатдаги олий даражадаги учрашувни Самарқанд шаҳрида ўтказиш таклифини қўллаб-қувватладилар.



Манба

Qashqadaryo Region Presidential
Matiubot Nizmati